

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1166-ҳадис

1166 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لِبَلَالٍ: «يَا بَلَالُ؛ حَدِّثْنِي بِأَرْجَى عَمَلٍ عَمِلْتَهُ فِي الْإِسْلَامِ؛ فَإِنِّي سَمِعْتُ دَفَّ تَغْلِيكَ بَيْنَ يَدَيَّ فِي الْجَنَّةِ» قَالَ: مَا عَمِلْتُ عَمَلًا أَرْجَى عِنْدِي مِنْ أَنِّي لَمْ أَتَطَهَّرْ طُهُورًا فِي سَاعَةٍ مِنْ لَيْلٍ أَوْ تَهَارٍ إِلَّا صَلَّيْتُ بِذَلِكَ الطُّهُورِ مَا كُتِبَ لِي أَنْ أُصَلِّيَ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ، وَهَذَا لَفْظُ الْبُخَارِيِّ [خ 1149، 2458].

«الدَّفُّ» بِالْفَاءِ: صَوْتُ التَّغْلِ وَحَكَّتُهُ عَلَى الْأَرْضِ.

1166. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Билолга:

«Эй Билол! Менга ўзингнинг Исломда қилган энг умидли ишингни айтиб бер, чунки мен жаннатда шундоқ олдимда шиппагингнинг товушини эшитдим», дедилар. У: «Менинг наздимда энг умидли амалим – кеча ё кундузнинг қайси пайтида таҳорат қилсам ҳам, албатта ўша таҳоратим билан насиб бўлганча намоз ўқийман», деди».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Бу маънони яна ҳам тўлиқроқ ва аниқроқ англаб етишимиз учун Имом Термизий Абу Бурайда розияллоху анхудан ривоят қилган қуйидаги ҳадиси шарифни ҳам ўрганишимиз лозим:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам тонг чоғида Билолни чақирдилар ва унга:

«Эй Билол, нима билан мendan олдин жаннатга кирдинг? Қачон жаннатга

кирсам, албатта, олдимда сенинг шитир-шитирингни эшитаман. Бу кеча ҳам жаннатга кирдим ва олдимда сенинг шитир-шитирингни эшитдим. Сўнг бир олтиндан бўлган тўрт бурчак ва баланд қасрга келдим:

«Бу қаср кимники?» дедим.

«Бир араб одамники», дедилар.

«Мен арабман. Бу қаср кимники?» дедим.

«Қурайшлик бир одамники», дедилар.

«Мен қурайшликман. Бу қаср кимники?» дедим.

«Муҳаммад умматидан бир одамники», дедилар.

«Мен Муҳаммадман. Бу қаср кимники?» дедим.

«Умар ибн Хаттобники», дедилар.

Шунда Билол:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Қачон азон айтсам, албатта, икки ракат намоз ўқидим. Қачон таҳоратим кетса, албатта, ўша вақтнинг ўзида таҳорат қилдим ва менинг зиммамда Аллоҳ учун икки рақат намоз бор, деб билдим», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ўша икки нарс билан экан», дедилар».

Қаранг-а! Кечаги қора танли қул бугун сарвари олам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига тушиб, жаннатда юрибди!

Қаранг-а! Кечаги мушрик хожаларининг ноинсоний муомалаларидан ҳақорат остида эзилиб яшаётган ҳабаш бугун коинотлар сарвари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳавасларини келтириб, жаннатда у зотнинг олдиларида кавушини таққиллатиб бормоқда.

Қаранг-а! Кечагина одам ўрнида кўрилмайдиган лекин бугун муаззинга айланган ҳабашдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари унинг нима амал билан жаннати бўлганлиги ҳақида сўрамоқдалар.

Бундан ортиқ шараф ва фазл бўлиши мумкинми?

Бундан ортиқ бахту саодат бўлиши мумкинми?

Бундан ортиқ даражаю мартаба бўлиши мумкинми?

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI